# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 69 (8.959) * 1997 йил 18 июнь, чоршанба * Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон — Озарбайжон: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК РАВНАҚИ

БУГУН

***Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан республикамизга келади. Шу муносабат билан биз Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Айдин Азимбеков билан мулоқотда бўлдик.***

**— Айдин Алимбекович, билишимизча, сизнинг болалигингиз, ёшлик йилларингиз Ўзбекистонда ўтган экан. Ўша даврларни қандай эслайсиз? Ўзбек халқининг қайси хусусиятлари сизга болаликдан яқин ва қадрли бўлиб қолган?**

— Тўғри айтдингиз. Мен бир неча йил Тошкентда яшаганман, энг беғубор дамларим шу ерда, ўзбеклар орасида ўтган. Мен ўзбек болалари билан дўстлашиб, улар билан бирга кўча чангитиб, ўйнаб юрган кезларимни жуда яхши хотирлайман. Кейинчалик улғайиб, дўстларим янада кўпайди. Мен она юртим Озарбайжонга кетар эканман, Ўзбекистонга, албатта, қайтиб келаман, икки буюк халқ дўстлиги учун ўзимнинг ҳиссамни қўшаман, деб ният қилгандим. Буни қарангки, ҳаётим сиёсий йўналиш билан боғланди, элчилик фаолиятини юрита бошладим. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, мени Озарбайжоннинг мамлакатингиздаги элчиси этиб тайинлашди. Мен бундан бағоят хурсанд бўлдим. Чунки мен яна ажойиб дамларим ўтган, энг ёруғ хотираларим билан боғлиқ бўлган гўзал Тошкентга келдим, ўзим учун азиз бўлган ўзбек халқи бағрига яна қайтдим. Мени ўзбекларнинг самимийлиги, меҳру оқибати, саҳийлиги ҳамиша ҳайратга солиб келган. Озарбайжон халқи ҳам ана шундай хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам ҳар икки халқни мен она халқларим деб атайман.

**— Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Озарбайжон давлатлари ўртасидаги муносабатлар ривожи хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Ҳар икки республика мустақилликка эришгач, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада қалинлашди, халқларимиз бир-бирига кўпроқ яқинлашди. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг самарали равнақ топиб бораётганидан мен жуда мамнунман. Айниқса, бу алоқалар равнақида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг май ойида Озарбайжонга қилган расмий сафари катта аҳамият касб этди. Ўша ташриф чоғида имзоланган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар, икки томонлама манфаатли ҳамкорликка қаратилган муҳим шартномалар бугунги кунда ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилмоқда. Мамлакатларимизнинг ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, икки республика ишбилармонлари шериклигида яратилган кўплаб қўшма корхоналар жуда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Бокуда ва Тошкентда озиқ-овқат, кийим-кечак ишлаб чиқариш ва меваларни қайта ишлаш соҳаларида қатор қўшма корхоналар мавжуд. Икки давлатнинг маданий, илм-фан, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

**— Шу ўринда, жаноб элчи, Ўзбекистон ва Озарбайжонни боғлаб турувчи яна бир муҳим ҳамкорлик лойиҳаси ҳақида тўхталсак. Яъни, темир йўл алоқалари борасидаги ҳамкорлик ҳақида.**

— Ҳа, бугунги кунда темир йўл алоқалари соҳасидаги кўпгина лойиҳаларимиз ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилган. Айниқса, давлатлараро келишувга мувофиқ Марказий Осиё, Кавказ ва Оврупо минтақаларини боғловчи Транскавказ темир йўл магистралининг биринчи навбати ишга туширилгани мамлакатларимиз ҳамкорлигини яна бир босқич юқорига кўтарди. Бу магистрал Марказий Осиё давлатлари учун ҳам, Кавказ республикалари учун ҳам ниҳоятда муҳим лойиҳа бўлиб, бугунги кунда бу темир йўллари орқали юздан ортиқ турдаги маҳсулот ва товарлар ташиб ўтилмоқда. Шунингдек, бу магистрал Ўзбекистонни ва Озарбайжонни Оврупо билан боғлаб турувчи муҳим кўприк вазифасини ўтамоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг савдо-иқтисодий, маданий ва маърифий алоқалари ўта муваффақиятли ривожланмоқда деб биламан. Албатта, бу алоқаларнинг янада равнақ топиши учун ҳар икки томоннинг имкониятлари жуда каттадир.

**— Суҳбатингиз учун ташаккур, жаноб элчи. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ҳам бу алоқалар равнақида муҳим аҳамият касб этади.**

*Хайрулло НУРИДДИНОВ суҳбатлашди.*

## Пойтахтнинг бир куни

ЯНГИЛИКЛАР
ВОҚЕАЛАР
ХАБАРЛАР



***«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида 1997 йилнинг биринчи чорагида бу ерда 972 та трактор ва турли русумдаги 52 та тиркама ишлаб чиқарилди.***

Ҳиссадорлик жамиятининг 19-цехи конвейер линияларидан икки турдаги — «ТТЗ-80» ва «ТТЗ-100» тракторлари тушириб олинмоқда. Шу ернинг ўзида машиналар синовдан ўтказилмоқда.



Бу участкада ўз касбининг усталари бўлган юксак малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Бинобарин уларнинг иш натижалари тайёр маҳсулотнинг сифатли бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. 14 нафар ҳайдовчи-синовчилар бу ердаги махсус стендларда тракторларни синовдан чиқарадилар. Шу синов чоғида аниқланган нуқсонлар бартараф этилади, зарурат туғилган ҳолларда эса унинг қисмлари ўзгартирилади.

Хулоса қилиб айтганда корхонада янги, сифатли, шу билан арзон қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқаришнинг дастури яратилган ва у ҳаётга жорий этилмоқда. Ушбу дастур «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамиятининг экспорт имкониятларини кенгайтиришга ва корхонанинг янада фойда келтирадиган бўлишига ёрдам бермоқда.

*Саид СОЛИЕВ.*

*СУРАТЛАРДА: 19-цехнинг ҳайдовчи-синовчиси В. Бочковский, бригада етакчиси Р. Саидов ва ҳайдовчи У. Ғуломов янги тракторни синаш олдидан; корхонанинг 19-цехидаги синов стенди; ҳайдовчи-синовчилардан Ш. Холиқулов ва Т. Халилаев.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## САНОАТ: СИНАЛГАНИ — ДАЛАГА



## Қурилиш: МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ТОПШИРИЛАДИ

***Шу кунларда Қатортол кўчасидан ўтган киши бу ерда катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлади. Бу ерда бири-биридан чиройли ва замонавий бинолар қад кўтармоқда. Бунёдкорлар кўп қаватли бинолардан бирини қурувчилар кунига топширишга қарор қилишган.***

— Биз ушбу бинодаги қурилиш ишларини ўтган йилнинг октябрь ойида бошлаган эдик, — дейди 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи Убайдулла Нурлибоев. — Мана энди қарабсизки, бу ердаги ишлар ниҳоясига етай деб қолди.

Дарҳақиқат, участка бошлиғининг айтганича бор. Бу ердаги муҳташам 9 қаватли уй фойдаланишга деярли тахт этиб қўйилди. Қурилиш ишбошиси Виктор Дундуковнинг таъкидлашича, ушбу қурилиш иншооти ҳар бири иккита йўлакдан иборат учта бўлимга тақсимланган ҳолда олиб борилмоқда. Шулардан иккитаси тахт. Ана шу икки йўлакда ҳозир Қудрат Муҳамедов бош бўлган бригаданинг йигирма икки нафар монтажчиси бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.

Шундай қилиб 108 оиланинг қулай ва шинам квартираларни оладиган кунлари яқин. Уй тўйларини яқинлаштиришда кўтарма кран ишчиси Александр Анучин, электр пайвандчи Николай Тороленко ва монтажчи Андрей Шашковларнинг хизмати салмоқли бўлмоқда.

*Собир БОТИРОВ.*

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида: ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисда кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борди.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида боғча, мактабларда амалга ошириладиган ишлар, ўқитувчилар малакасини ошириш, янги дарсликлар яратиш вазифаларига тўхталди. 12 йиллик таълимга ўтилар экан, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат қила оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Бунга ҳозирдан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилиши зарур.

Йиғилишда ўқувчилар ёзги таътилини ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда шаҳримиздаги мактаблар қошида 41 та оромгоҳ фаолият кўрсатяпти. Уларда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари йўлга қўйилиши билан бирга компьютерлардан сабоқ берилмоқда, чет тиллар ўргатиляпти.

Мактабларни тамомлаб етуклик шаҳодатномаларини олган ҳолда янги, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмирларнинг битирув кечаларини уюшқоқлик билан ўтказиш хусусида ҳам режалар белгилаб олинди.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

***«Тошкент оқшоми»нинг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур масалаларига бағишланган давра суҳбатини газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.***

## Шахмат: ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

КЕЧА

**Республика шахмат клубида Ўзбекистонда шахмат ҳаракатининг бошловчиларидан бири, республиканинг биринчи чемпиони, кўплаб ёшларнинг устоз ва мураббийси Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган 21-турнир бошланди.**

Турнирда асосан ёшлар, энг камида мастерликка номзод бўлган шахматчилар иштирок этмоқда. Шу билан бирга етакчи шахматчиларимиз ҳам мусобақа иштирокчилари сафларидан ўрин олган. Шахматни ёшлар ўртасида кенг ёйиш, унга меҳр уйғотиш мақсадида ўтказилаётган хотира турнирида 60 дан ортиқ спортчилар ўз кучларини синаб кўришмоқда.

—1972 йилда А.Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига атаб асос солинган хотира турнирининг қайтадан тиклангани айни муддаодир, —дейди турнир бош ҳакамИ Мамажон Муҳиддинов. Ушбу мусобақаларнинг ютуқли томони шундаки, у азалдан мастерларимиз, гроссмейстерларимиз учун энг катта мактаб, ўзига хос университет вазифасини ўтаган, кўплаб шахмат усталаримиз дастлаб шу турнирда ўз кучларини синаб, тобланиб, маҳоратларини оширганлар. Бинобарин, биринчи ўзбекистонлик гроссмейстер Г. Аъзамов ҳам илк бор шу турнирда мастерлик талабларини бажарган эди. Бу гал ҳам ёш шахматчиларимизнинг маҳорат, унвон ва рейтинг очколарини оширишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

21 июнга қадар давом этадиган хотира мусобақаларида янги шахмат иқтидорлари кашф этилишидан умидвормиз.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Вазирлар Маҳкамаси «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра ҳокимликлар аппаратида бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиш кўзда тутилган.
- Вазирлар Маҳкамасида халқ хўжалик тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш масалалари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.
- Кеча Конституциявий суд мажлисида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларининг мамлакатимиз Асосий Қонунига мувофиқлиги кўриб чиқилди.
- Шовот ғаллакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб дон тайёрлаш буюртмасини бажардилар. Қабул пунктларига 3350 тонна дон етказиб берилди.
- Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида «Барқарор тараққиёт ва табиий заҳиралар — Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий сиёсати» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.
- Фарғонада китоб байрами ўтказилди. Унинг доирасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган «Аёл олами» газетасининг биринчи сони чиқди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

- Бугун Санкт-Петербургда Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий анжумани очилди. Унда Швейцариянинг машҳур Давос анжуманида бўлгани каби иқтисодиётнинг туб масалаларини муҳокама этиш мўлжалланган.
- Россия мудофаа вазирлиги қўшинларда ҳарбий полиция жорий этилганлигини маълум қилди.
- Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов номи Каспий денгизи соҳилидаги унинг номи билан аталувчи шаҳар яқинидаги собиқ Красновод кўрфазига ҳам берилди.
- Грузиянинг «Сталин» жамияти Президент Эдуард Шеварднадзега Иосиф Жугашвили жасадини унинг юрти — Гори шаҳрида қайтадан дафн этишни сўраб, очиқ хат билан мурожаат этди.
- Сочида бу ерда дам олаётган Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Белоруссия Президенти Александр Лукашенко билан учрашди. Улар Россия — Белоруссия иттифоқи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр айирбошладилар.
- Чеченистон Республикаси парламент делегациясининг Болтиқбўйи давлатларига ташрифи муваффақиятсизликка учради. Литва ва Латвияда улар лозим даражада кутиб олинмаганликлари бир ёқда қолиб, Эстонияга умуман киритилмадилар. Эстония маъмурлари уларнинг ҳужжатлари халқаро қонунларга мос эмаслиги баҳонаси билан парламент аъзоларига виза беришдан бош тортдилар.

### ХОРИЖДА

- Голландия пойтахти Амстердамда Европа Иттифоқига аъзо 15 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг икки кунлик олий даражадаги учрашуви кун тартибидаги ҳамма масалалар ҳал бўлмади. Қитъа ҳамжамиятига аъзо давлатлар ягона ташқи сиёсат ўтказиш, ягона Европа валютасини 1999 йил 1 январдан муомалага киритиш, жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш масалаларида бир битимга келган бўлсаларда, Европа Иттифоқига янги аъзолар қабул қилиш масаласи очиқ қолди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари кеча кечаси билан узлуксиз музокаралар ўтказганларига қарамасдан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини бу қитъа ҳамжамиятига аъзо қилиб қабул қилиш шакл-шамойилларига келиша олмадилар. Шу сабабли жорий йил октябрь ойида ҳозирги Маастрих аҳдлашуви ўрнига янги Европа Иттифоқи шартномасини қабул қилиш ҳам шубҳа остида қолди.
- Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Хеврон шаҳрида 5 кундан бери фаластинликлар билан Исроил полициячилари ўртасидаги тўқнашувлар давом этяпти. Фаластинликлар АҚШ конгресси вакиллар палатасининг Қуддусни Исроилнинг бўлинмас пойтахти, деб тан олганлиги ҳамда АҚШ элчихонасини Тель-Авивдан Қуддусга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилганига қарши норозилик чиқишларини бошлаб юборган эдилар. Уларнинг Исроил полициячилари билан тўқнашувлари натижасида 100 нафарга яқин фаластинлик жароҳатлар олди.
- Покистон Бош вазири Навози Шариф расмий ташриф билан Эронга келди. У Эрон раҳбарияти билан асосан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этяпти.
- Ҳиндистонда Президент сайловлари кампанияси бошланди. 14 июль куни Конституцияга мувофиқ махсус сайланадиган вакиллар ўз йиғилишларида Ҳиндистоннинг янги давлат раҳбарини сайлайдилар.
- Афғонистоннинг собиқ мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Маъсуд миллий бирлик ҳукумати тузишини билдирди. Ушбу ҳукуматда «Толибон» ҳаракати вакиллари учун ҳам жой бўлиши маълум қилинди. Айни пайтда толибларга қарши коалиция қўшинлари Кобулга ракета зарбаларини бера бошладилар.
- Ҳозирги пайтда Буюк Британияда 13,7 миллион киши, мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисми камбағаллик даражасидан ҳам паст аҳволда яшаётганлиги эълон қилинди. Сўнгги 10 йил ичида мамлакат аҳолисининг бу ночор қисми икки бараварга кўпайди.
- Американинг космик фазони тадқиқ этиш ташкилоти — НАСА 2012 йилнинг 4 июлида — АҚШ мустақиллик кунида 6 нафар астронавтнинг Марсга қўниши лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳага кўра 6 астронавт бу «қизил сайёра»да 600 кун яшаши ва шундан сўнг Ерга томон парвоз қилиши мўлжалланган.





# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ДАВРА СУҲБАТИ**

***Замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.***

***Ислом КАРИМОВ.***

***Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида 5 июнь куни Тошкентда ўтказилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини демократия ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида тубдан ислоҳ қилиш, юқори малакали, замонавий, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашнинг энг муҳим долзарб масалалари муҳокама этилди. Бунда амалдаги таълим-тарбия тизимидаги камчиликларга барҳам бериш, Ўзбекистонда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш, олий мактабни такомиллаштириш, педагоглар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги дарсликлар яратиш муаммолари кўтарилди.***

***«Тошкент оқшоми»нинг бугунги давра суҳбати ҳам худди шу мавзуга — таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланади.***

## ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари доктори:**

— Президентимиз Ислом Каримов «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида таълимдаги ислоҳотларни жадаллаштириш, янги илмий-назарий ғоялар, шакл, усул, услубларини амалда кенг қўллаш, таълим мазмунига янги педагогик технологияни жорий қилиш, иш жараёнида халқ педагогикаси, маънавий қадриятлар, маҳаллий ва чет эл педагогикаси илғор тажрибаларидан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Халқ таълимини ислоҳ қилиш, мутахассислар тайёрлаш масалаларига юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор биз, маорифчиларни янги ишларга руҳлантиради.

Таълимда янги тизимга ўтиш бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Дарҳақиқат, ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг билим савияси замон талабларига тўла жавоб бермаслигини яшира олмаймиз. Бунинг сабаби, аввало, ўқитувчиларимизнинг эски тузумдаги ўқув дастурлари асосида ўқиганлигидадир.

Шунингдек, пойтахт ўқув муассасалари учун ўқитувчиларнинг етишмовчилиги, уларни ишга танлов асосида қабул қилиш имконияти йўқлиги таълим савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, бугунги кунда Тошкент шаҳри мактаблари учун 2.989 ўқитувчи керак бўлгани ҳолда ўқув юртлари томонидан янги ўқув йилига 500 ёш мутахассисни юбориш режалаштирилган, холос. Афсуски, ана шу мутахассисларнинг ҳам тенг ярми тақсимот бўйича жойларга етиб бормаслиги ҳолати ҳар йили кузатилади.

Вилоятларда жойлашган олий ва ўрта махсус билим юртлари ўз ҳудудларидаги ўқув муассасалари учун кадр тайёрлайди. Пойтахтимизда жойлашган университет, институт, ўрта махсус ўқув юртлари эса фақат Тошкент шаҳри учун эмас, балки бутун республика учун мутахассис тайёрлайди. Бу эса шаҳар ўқув муассасаларида педагогик кадрларнинг доимий етишмовчилигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун **пойтахт мактабларига педагогик мутахассислар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус педагогик билим юртларини ташкил этиш лозим,** деган фикрдамиз. 12 йиллик таълим тизимига ўтиш учун шаҳримиз мактабларига қўшимча 1890 ўқитувчи керак бўлади. Ёки болаларни 6 ёшдан умумтаълим мактабларига қабул қилишнинг ўзигагина қўшимча 1336 бошланғич синф ўқитувчиси керакдир.

Умумий таълимнинг уч йиллик тизими меҳнат таълими ва ҳунармандчиликка жиддий эътибор беришни тақозо этади. Бу муҳим вазифани ечишда **педагогика институти қошида нафақат ўғил болалар, балки қизлар учун хос ихтисосликлар бўйича ҳам мутахассис ўқитувчилар тайёрлаш**, **индустриал-педагогик билим юртларида ҳам меҳнат йўналишидаги ўқитувчи — мутахассислар тайёрлаш** масаласи ҳал қилиниши керак.

Бугунги кунда ўқувчиларга ҳуқуқий ва иқтисодий билим бериш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Аммо, мактабларимизда бу йўналишда дарс берувчи ўқитувчиларнинг йўқлигига эътиборни қаратишни истар эдик. **Педагогика институтларида ҳуқуқшунос — педагог, иқтисодчи — педагог мутахассисликлари бўйича кадр тайёрлашга ўтиш вақти келди,** деб ҳисоблаймиз.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузишда юқорида қайд этилган муаммолар ўз ифодасини топади, деган умиддамиз.

Таълим сифати нафақат юқори малакали мутахассисларга, балки, мактабларимизнинг моддий базаси замон талаблари даражасида бўлишига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги кунда пойтахт мактабларида ўқувчи ўринлари етишмовчилиги муаммоси кўндаланг бўлиб турган бир шароитда таълимнинг 12 йиллик тизимига ўтиш учун яна қўшимча равишда 30—35 минг ўқувчи ўрнини яратиш керак бўлади. Бу эса мазкур янги тизимга босқичма-босқич ўтишни тақозо этади.

Янги ўқув муассасаларини эҳтиёжни аниқ ҳисобга олган ҳолда қуриш ва жойлаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳозир шаҳримизда ҳудудий ўзига хос, миллий анъаналарга мувофиқ, иқлим шароитларига мос келадиган мактаб биноларининг дастлабки лойиҳалари яратилмоқда. Жумладан, пойтахтнинг «Қоратош» мавзесида ана шундай янги лойиҳадаги мактаб қурилиши бошлаб юборилди.

Таълимни ислоҳ қилиш **барча ўқув фанларидан янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа таълимий жиҳозларни янгитдан яратишни талаб қилади. Уларнинг моҳиятини илмий асослаб берувчи илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш бугунги куннинг талабларидан биридир**, деган фикрдамиз.

Муаммолардан яна бири **таълимий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни республикамизнинг ўзида ташкил этишдир.** Мисол тариқасида биргина химия фанини олсак, ўқув дастури асосида 65 та лаборатория иши, 30 та амалий иш бажариш режалаштирилган бўлиб, уларни ўтказиш учун 98 хил кимёвий моддалар, 45 та лаборатория жиҳозлари зарур. Ўқув режасидаги 20 дан ортиқ фанлар учун ҳам шу тарздаги жиҳозлаш муаммосини ҳисобга олсак, бундай корхоналарни ташкил этиш ўзини тўла оқлайди, деб ҳисоблаймиз.

## ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАСИ

**Шомухтор ШОМАНСУРОВ,**
**Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори:**

— Давлатимиз раҳбари «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси йиғилишида профессор, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида тўхталиб ўтди. Бинобарин, таълим самарадорлиги юксак малака, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган мутахассисларга боғлиқлиги яхши маълум.

Кадрлар малакасини ошириш, айниқса ҳозир, таълим тизимида чуқур ислоҳотлар ўтказиш зарурати туғилган бир шароитда янгича ёндашувни талаб этади. Маорифимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган педагог-мутахассисларнинг малака оширишини йўлга қўйиш — биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган вазифадир.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида пойтахт таълим муассасаларида ишловчи 40 мингдан зиёд ўқитувчи-тарбиячиларнинг 5,5—6 мингтаси ҳар йили малака ошириш курсларида таҳсил олиб, ўз касб маҳоратларини оширадилар. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти курсларида йилига Тошкент шаҳар таълим муассасалари ўқитувчи-тарбиячиларининг 180 нафари ўқитилиши режалаштирилган. Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти курсларига кўзда тутилганидек, беш йил давомида пойтахт маорифчиларининг ҳаммасини тўла жалб этиб бўлмаётганлиги институтнинг малака ошириш имкониятини кенгайтириш ва шунга кўра моддий базасини янада мустаҳкамлашни тақозо қиляпти.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 14 та ҳудудий институтларда ўқитувчилар малакасини ошириш асосан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилаётган бўлса, пойтахт ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бу жараён ўзига хос тарзда, яъни ўқитувчини ишдан ажратмаган ҳолда (услубиёт кунларида) ташкил этилмоқда.

Ўқитувчининг мустақил равишда малака оширишга қизиқишини рағбатлантириш, айниқса педагог аёлларга қулайлик яратиш мақсадида биз малака оширишни ташкил этишнинг турли шакл-усулларини амалга татбиқ қилмоқдамиз. Жумладан, эркин тингловчилар курслари, шахсий режа асосида ташкил этилган курслар, сиртқи, муаммоли ва муаллифлик курсларида тингловчилар таълим мазмунида юз берган янгилик ҳамда қўлга киритилган илғор педагогик тажрибалар билан таништириладилар. Бу эса янги педагогик технологияни кенг миқёсда қўллаш имкониятини яратади.

Янгиланаётган таълим тизими шароитларида ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиб, уларга тоифа берилиши масаласи ҳам ўзгача ёндашувни талаб этади. Амалиётда ўқитувчи ва тарбиячиларга берилаётган тоифалар ўзини оқламаётганлигини кўрсатмоқда. Буни малака оширишга келган педагоглар билан ўтказилаётган кириш тест синовлари натижалари тўла исботлайди.



Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савиясини замон талаблари даражасига кўтариш ва уларни ижодий ишлашга интилишини таъминлаш мақсадида **ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиб, уларга тоифа бериш масаласини ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига топшириш вақти келди,** деган фикрдамиз.

**Бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиқиб, малака ошириш курсларида таълимни пуллик асосда ташкил этиш ҳам ҳаёт тақозосидир.**

Пойтахтимизда чет эл элчихоналари ҳузуридаги таълим марказлари билан яқиндан алоқа ўрнатган ҳолда уларда мавжуд илғор тажрибаларни, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги педагогик технологияни ҳамда хорижий тилларни ўрганишни истовчи ўқитувчилар учун курслар, шунингдек хориждан келган мутахассисларга ўзбек тилини ўргатиш учун пул тўлаб ўқийдиган курслар ташкил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Янги таълим тизимига ўтишда янги йўналишдаги ўқув муассасаларига таяниш муҳимдир. Жумладан, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 790 та ўқув-тарбия муассасаларидан 248 таси янги йўналишда ишлаяпти. Ўқув муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилари учун махсус курслар ташкил қилишни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз. Шунингдек, институтимиз ўз фаолиятини барча ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги усулларидан ҳисобланган рейтинг тизимига ўтишни таъминлашга ҳамда давлат тилини мукаммал эгаллашга қаратган.

Ўқувчиларни меҳнат фаолиятига йўналтириш, уларга касб-кор ўргатиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат таълими ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ҳам малака ошириш институтларининг асосий вазифаларидандир.

Мамлакатимиз тараққиёти талабларидан келиб чиқиб таълим мазмунига кириб келган, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, экологияга оид фанларни ўқитишни назарда тутган ҳолда **малака ошириш институтларига тарих ўқитувчиларига ҳуқуқшунослик, география ўқитувчиларига иқтисодиёт, химия ва биология ўқитувчиларига экология, тилшунос ўқитувчиларига иккинчи тил бўйича ихтисосликка тайёрлаш юзасидан махсус курслар ташкил қилиш ваколатини бериш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.**

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

**Мовлуда ИСМАТОВА,**
**Юнусобод туманидаги 273-мактаб-лицей директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:**

— Мактабни ислоҳ қилишга қаратилган янгича иш услуби таълимнинг янги тизимини талаб этади. Шу даврга қадар бир қолипда фаолият кўрсатаётган ўн бир йиллик таълим тизимининг камчилик ва нуқсонларини бартараф этиш жуда муҳимдир. Бошланғич синфни тугатаётган ўқувчининг фақат бошланғич синф ҳажмидаги таълимга эга бўлиши билан чекланишию, ундаги бошланғич кўникма ва маънавий хусусиятларнинг мужассамланиши четда қолаётгани бизни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Урф-одат, миллий ифтихор тушунчалари боланинг боғча ёшиданоқ сингдирилиши лозим бўлган тушунчалар, деб биламан.

Хўш, ўқувчиларимизни фанга қизиқтиришда, миллий урф-одатлар, қадриятларимизга бўлган эътибор, миллий ифтихор ва Ватан туйғуларини сингдириб боришда ўқитувчининг ташаббускорлик ўрни қандай бўлмоқда? 6, 7-синф ўқувчиси айни ҳунарга берилувчан ёшда, 8-синф ўқувчиси эса мустаҳкам фикрлай олувчи балоғат ёшида, 9-синфда эса у керакли билим ва кўникмаларга эга бўладиган ёшда бўлади. Шундай экан 9-синфни тугатаётган ўқувчилар миллий қадриятлардан фахрланиш, ғурурланиш ва ота-боболаримиз меросини кўз қорачиғидай сақлай олиш қобилиятига эга бўлган ўқувчилар бўлмоғи лозим. 5, 6-синф ўқувчиларида кузатувчанлик юқори даражада бўлади. Ўқувчининг бу хислатини тўғри ва аниқ йўналтира олиш лозим.

Ўқувчи қалбига она-Ватан, мустақил давлатига муҳаббат туйғусини олиб киришда ўқитувчининг зукколиги катта ўрин тутади. Ўқитувчи ўқувчида табиатдан лаззатланиш, уни севиш ва завқ олиш ҳиссини тарбиялайди. Ота-онага ҳурмат, бирор касбга муҳаббат, ҳаётдан маънавий озуқа олиш ҳиссини тарбиялашда педагогларнинг моҳирона иш фаолияти эътиборга молик, деб биламиз.

9-синфни тугатаётган ҳар бир ўқувчи маълум касбга интилувчан бўлади. Дастлабки тушунча ва маълумотларни 5, 6, 7, 8-синфларда олган бу ўқувчилар энди маълум бир ҳунар ўрганиб боришга ўз-ўзини тайёрлайди. Унга бадиий адабиётга қизиқишни ўргатиш лозим. Ёшлар ўқиган адабиётлари юзасидан ўз фикрларини мустақил баён эта олиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Ота-боболар мероси, унга ҳурмат хусусиятларини ўзида мужассамлаштириши даркор.

Эртаги кун ворислари бўлган ёш авлод бугун мактаб партасидан етишиб чиқади. Уларга таълим-тарбия бераётган устозларнинг бу ўринда ўз фикр доирасини кенгайтиришлари, фидойи устоз сифатида билимдон эканликларини кўрсатишлари бетиним изланишларини талаб этмоқда.

Яратилаётган миллий дастур ўз Ватанини севувчи, унга содиқ фарзанд бўлиб етишишга астойдил азму қарор қилган, ўзи севган касб ёки мутахассисликка интилиш туйғуси жўш урган, жаҳон андозалари даражасидаги билим, кўникма олишга бел боғлаган ёшларни вояга етказишга хизмат қилади.

## ҲАММАНИНГ ИШИ

**Исломжон ЗОИРОВ,**
**Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мудири:**

— Ўқитувчи кадрлар масаласи бизни ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Охирги йиллик таҳлиллар туман мактабларида 300-350 педагог кадрлар етишмаслиги, мавжуд ўқитувчиларнинг 116 нафари тўлиқсиз олий маълумотга эга эканлиги, ҳозирги кунда 210 нафардан ортиқ ўқитувчилар 2 ва ундан ортиқ ставкада иш олиб бораётганлигини кўрсатади. Шу сабабдан ўтган ўқув йилида институт ва билим юртларининг юқори курс талабаларидан 100 нафаридан кўпроғини мактабларда дарс беришга жалб этишга мажбур бўлдик. Бу эса таълим-тарбия самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида бир неча йилдан буён туманда битирувчи ўқувчилар орасида педагог касбига йўналтириш мақсадида ташвиқот ишлари олиб борилади. Институтларга кириш истагини билдирган битирувчилар учун 151, 230-ўрта мактаблар қошида маслаҳат бўлимлари ташкил этилиб, уларда тажрибали олий тоифали ўқитувчилар бўлажак абитуриентларни тест дастурлари асосида тайёрлашади. Натижада 1996 йилда Низомий номли педагогика институти ва Жаҳон тиллари университетига туманимиздан 200 дан ортиқ битирувчи ҳужжат топшириб, улардан 146 нафари ўқишга киришга муваффақ бўлди. Ўқитувчилик касбига йўналтириш мақсадида 69,151,307-мактабларда педагогик синфлар фаолият кўрсатмоқда.

Биз таълим тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини белгилар эканмиз, туман ҳудудидаги 30 та мактаб ва 46 та болалар боғчаларида ўқувчилар ва болалар сонини 4 йил давомида ўсиши ва камайишини, 1 ёшдан 7 ёшгача болалар сонини, янги қурилаётган уй-жой биноларини аниқ ҳисоб-китоб қиляпмиз.

307-мактабда қатор ўқитувчилар ўзлари яратган муаллифлик дастурлари асосида иш олиб бораётганликларини эътиборга олган ҳолда унинг моддий базасини мустаҳкамлаб, етарли шарт-шароитлар яратилиб, янги уч йиллик таълимга мослаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бир қаторда Техник лицейда ўқувчилар сонининг камлигини ҳисобга олиб, моддий-техника базасини мустаҳкамлаган ҳолда уни ҳам 3 йиллик ихтисослашган таълим тизимига ўтказиш мумкин.

Туманимизда 50 дан ортиқ, шу жумладан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекқоғоз», «Лола», «Олтин бошоқ», Машинасозлик, «Тошмаргёғ» каби йирик корхоналар бор. Улар ҳамда бошқа корхоналарнинг кадрларга эҳтиёжини, бозор иқтисодиёти шароитини эътиборга олган ҳолда яхши бинога эга бўлган 1-Темир йўл, 15-Қурилиш, 33-Техник лицейлари ва 5-ҳунар мактабини юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштириш мумкин.

Бизнинг чет эллар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз ўз натижасини кўрсатяпти. Туркия билан ҳамкорликда 1992 йилда ташкил этилган Тошкент ўғил болалар лицейи ва компьютер лицейида 400 дан ортиқ ўқувчи билим олмоқда. Бу лицейларда сабоқ бериш учун танлов асосида тажрибали ўқитувчилар саралаб олинган. Ўқувчилар математика, физика, химия, биология ва информатика фанларини соф инглиз тилида ўрганиб, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражада таълим олмоқдалар. Ўтган ўқув йилида бу ерни битирган 43 ўқувчининг ҳаммаси институт ва университетларга кирди. Улардан 10 нафардан ортиғи чет эллардаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

Ушбу лицейнинг 15 нафар ўқувчилари 1996—1997 ўқув йилида ўтказилган шаҳар олимпиадасида ғолибликни қўлга киритган бўлса, 3 нафар билимли ўқувчиларимиз Республика олимпиадаси ғолиби бўлдилар.

Бундай ҳамкорлик ишларини Эрон, Покистон ва бошқа қатор давлатлар элчихоналари билан ҳам йўлга қўймоқдамиз.

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

**Алиакбар АЗИМОВ,**
**6-бизнес-мактаб раҳбари:**

— Ҳукуматимизнинг ҳунар таълимини бозор ислоҳотлари талаблари асосида қайта қуриш тўғрисидаги қарорига мувофиқ 1995 йил декабрида бир қанча билим юртлари, жумладан бизнинг радиотехника билим юртимиз ҳам бизнес мактабга айлантирилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда жаҳон андозалари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф этмоқчиман:

Фикримча, **таълим стандартларини аниқлаш керак**. Бу стандартлар эгилувчан бўлиши, ҳатто бир ўқув гуруҳи доирасида ҳам табақалаштирилган ҳолда ёндошишни таъминлаши лозим. Буни бизнес-мактабимиз мисолида изоҳлаб бермоқчиман. Ўтган йили сентябрь ойида танлов асосида 140 йигит ва қиз анъанавий телерадио техникасини таъмирлаш бўйича чилангар гуруҳларига эмас, балки «Устахона эгаси», «Менежер» ва «Телерадио устахоналари мутахассиси» алоҳида-алоҳида гуруҳларига қабул қилиндилар. Бу фақат гуруҳ номини расмиятчилик билан ўзгартириш маъносини бермайди. Юқорида тилга олинган ихтисосликлар бўйича 1000 соатга яқин янги фанлар ўқитилади. Чунончи «Бозор иқтисоди асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Маркетинг асослари», «Тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқ асослари», «Ҳисоб-китоб асослари» каби фанлар шулар жумласидандир.

Йил давомида тадбиркорлик асослари бўйича бир қанча амалий ўйинлар ўтказилади. Ўқувчиларнинг меҳнатига қараб баҳо бериш, ўқув ҳамда амалий машғулотлар самарасини атрофлича ўрганиш учун кўпбаллик ва рейтинг тизими татбиқ қилиниши ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Биринчи йил натижаларига кўра ўқувчиларимиз қобилиятини уч тоифага ажратса бўлади: тадбиркорлар, тадбиркор бўлиш қобилиятига эгалар ва иш бажарувчилар. Бу хулосага оддий кузатишлар натижасидагина эмас, балки мактабимизда психодиагностика, психокоррекция ва психологик мадад бериш маълумотларига асосланган ҳолда келинди. Психологик йўналишни бошқариш учун Тошкент давлат университетидан психология фанлари доктори, профессор В.А.Токаревани таклиф этганмиз. Натижада бизнинг педагогик кузатишлар психологик тестлар орқали текшириб борилади.

Ўқувчиларни тадбиркорлик амалий фаолиятига жалб этиш учун бизнес-мактабимиз қошида «Толе» илмий-услубий, ўқув-ишлаб чиқариш кичик корхонаси ташкил этилган. Унинг таркибида ёш тадбиркорлар клуби, телерадио, холодильник, кондиционер ва кир ювиш техникаларини таъмирлаш устахоналари ва бошқалар бор.

Ҳозирча биз ўқувчилар орасида улар тоифалари бўйича иш олиб бормаяпмиз. Чунки уларнинг рейтинги бир-бирига яқин. Лекин икки йилдан сўнг — учинчи курсни тамомлаётганларида уларнинг баъзилари дипломларига «Кичик ва ўрта бизнес тадбиркори», бошқаларига эса «Уста» ёки маълум разрядли телерадиотехника чилангари, деб ёзиш ҳуқуқига эга бўламиз.

Биз тайёрлаётган касбларнинг (оммавий ишчи касбларида ҳам) кўпчилиги тор ихтисосли. Малака маълумотномаларида турли-туман соҳалар бўйича чилангар, деб келтирилади. Амалда эса улар ҳунари турлича номланганига қарамасдан қиладиган ишлари бир хил: улар бир хил асбобларни ишлатишади, ишлаш тамойили бир хил бўлган дастгоҳларни таъмирлашади ва технологик усуллари ҳам бир хил. Шунинг учун **илмий равишда асосланган касблар интеграциясини ва ўз навбатида кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш керак.**

Бозор иқтисодиётига ўтилиши сабабли янги касблар келиб чиқмоқда. **Эндиликда шу касбларнинг тавсифи ҳамда малака кўрсаткичлари разрядларга (класс, категорияга) бўлинган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.**

Янги ўқув дарсликлари ва қўлланмаларига талаб аста-секин қондирилмоқда. Муаммо бошқа нарсада: ўқув юртларида, илмий текшириш муассасаларида, мутахассисларда чоп қилиш учун жуда кўп қўлёзма ишлари мавжуд. Бизнинг бизнес-мактабимиз кичик бўлишига қарамай юздан ортиқ қўлланмаларимиз компьютерларга ва дискетларга жойлашган. Уларнинг кўпчилиги ҳамкасбларимизга фойда келтириши мумкин. Бундай қўлланмаларнинг ишлатилиши тор доирага хос бўлганлиги учун, катта нашриётларда чоп қилдириш иқтисодий томондан фойдали эмас. **Шунинг учун уларни мўъжаз босмахоналарда кам нусхаларда чиқаришни йўлга қўйиш айни муддао бўлар эди.**

Компьютерлар ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Кўпгина ўқув юртларида ва хусусан бизнинг бизнес-мактабда компьютерлар воситасида ўқитибгина қолинмайди, балки имтиҳон ҳам олинади, тестлар орқали савол-жавоблар қилинади ва ахборотлар тўпланади. Компьютерларда ўнлаб мегабайт ҳажмга эга бўлган ахборот маълумотлари банки вужудга келтирилади. Уларда иш ҳақини ҳисоблаш, бошқа ҳисоб-китоблар, иш юритиш, бизнес-режалар тузиш, лойиҳалар тайёрлаш каби ишлар бажарилади. Бунақа ишларни бажаришда ҳозирги авлод компьютерлари эскириб қолди. Улар ўқув жараёнини қониқтира олади, деб бўлмайди. Шунинг учун миллий дастурда кадрларни тайёрлашда аста-секин компьютерларни янгилаш, ўқув юртларини замонавий техника воситалари билан таъминлаш жуда муҳимдир.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

***Таълим тизимини ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ушбу йўналишлар, муаммолар билан асло чегараланиб қолмаслиги тушунарлидир. Шунинг учун биз миллий дастурни муваффақиятли амалга ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан баҳам кўришга барча газетхонларимизни, биринчи навбатда таълим соҳаси мутахассисларини ушбу давра суҳбатини давом эттиришга таклиф этамиз.***

